

ХАЛҚ ИРОДАСИ БИЛАН, ВАТАН БАХТ-САОДАТИ УЧУН

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 141 (4388)

17

И Ю Л Ъ
ЖУМА

1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

Саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси 15 июлда ўз ишини тамомлади.

СССР Олий Совети Президиуми сайланди ва Совет Иттифоқи ҳукумати-СССР Министрлар Совети тузилди.

СССР Олий Совети ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикаларнинг меҳнат тўғрисида қонун асосларини тасдиқлади.

СССР Олий Совети Америка империализмининг Ҳинди-Хитойдаги агрессияси муносабати билан баёнот ва Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида баёнот қабул қилди.



Москва, Кремль, 1970 йил 15 июль. Саккизинчи чақириқ СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси.

А. Пахомов ва М. Скурихина фотолари. (Сурат «Правда» газетасидан олинди).

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ИТТИФОҚ СОВЕТИ ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

15 июлда Москвада саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бошланди.

Залда меҳмонлар кўп, чет эл дипломатлари, совет ва чет эл мухбирлари ҳозир бўлдилар.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кирилленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорный, Д. С. Полянский, М. А. Сулов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шчербинский, И. В. Капотов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар ўринларидан

туриб, уларни гулдурас қарсақлар билан қутиб олдилар.

Иттифоқ Советининг Раиси депутат А. П. Шитиков раислик қилди. У СССР Министрлар Советининг Раиси депутат А. Н. Косигиндан сессияда раислик қилувчи номга қўйидаги мазмунда ариза олинганлигини айтди:

«СССР Конституциясига мувофиқ ва СССР Олий Совети муҳкамасига СССР ҳукуматини тузиш масаласи қўйилганлиги муносабати билан Министрлар Совети ўз вазифаларини бажо келтирилган деб ҳисоблайди ва Олий Совет олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

СССР Министрлар Совети аниқлини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига маълум қилишни сиздан сўрайди».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари депутат Л. И. Брежневга сўз берилди. Депутатлар ва меҳмонлар уни гулдурас қарсақлар билан қутиб олдилар.

СССР Министрлар Советининг фаолияти маъқуллансин.

2. Ўртоқ Алексей Николаевич Косигин СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлансин ва унга СССР ҳукумати состави тўғрисидаги таклифни СССР Олий Советига тақдим этиш топширилсин.

3. СССР Министрлар Советига СССР Олий Совети СССР ҳукуматини тузиб бўлганча ўз вазифаларини бажаришни давом эттириш топширилсин».

Шундан кейин депутатлар СССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар меҳнат қонунлари, Асослари лойиҳасини қараб чиқишга киришдилар. Қонун тартибдаги шу масала юзасидан ВЦПС секретари депутат В. И. Прохоров доклад қилди.

Иттифоқ Совети қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссиянинг раиси депутат М. С. Соломенцев қўшима доклад қилди.

Шундан кейин СССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари Асослари лойиҳасини муҳомада қилиш бошланди.

СССР Министрлар Советининг меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат комитети раиси депутат А. П. Волков биринчи бўлиб сўзга чиқди. Меҳнат тўғрисидаги қонун, деярли у, социалистик жамият аъзолари фаолиятининг ҳамма томонларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар орасида гўл муҳим ўрин олади. Бу табиий бир ҳол. Ўзининг жамиятининг меҳнат муносабатлари барча индустрияд ва социал муносабатларнинг негизидир. Меҳнат аҳли аса янги иқтисодий тузумнинг асосий сиймосидир.

Нотик айтдики, меҳнат қонунлари асослари лойиҳасида замон синовидан ўтган масалалардан ташқари, ишчи ва хизматчилар меҳнат ҳуқуқлари гарантияларини

кенгайтиришга қаратилган янги қоидалар қараб чиқилди. Бу қоидаларнинг қўли лойиҳани жамоатчилик кенг доиралари томонидан муҳомада қилиниши натижа-сида киритилди.

Меҳнат қонун асослари лойиҳасида, деб таъкидлади депутат, совет граждандарининг ҳуқуқларига эмас, балки бурчлари ҳам аниқ тартибга берилган. Барча ишчи ва хизматчилардан меҳнат интизомига риоя қилиш, ҳалқ бойлигини авайлаб сақлаш, белгиланган меҳнат нормаларини бажариш талаб этилади. Меҳнат интизоми, аввало, кишиларни меҳнатга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ва виждондан қилинадиган ишларни рағбатлантириш билан йўлга қўйилиши лозим.

Совет кишиларининг гўят қўнчилиги социалистик жамият олдида юксак масъулиятни тўла анланган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Аммо кўпчиликни ташкил этган соф виждонли ва онгли граждандар билан бир қаторда бракчилар ва прогулчилар, учарлар ва чичиликбозлар, меҳнат интизомининг бошқа йўсунда бузувчи шахслар ҳали ҳам бор. Интизириш тадбирлари тегишинча таъсир кўрсатмайдиган бундай шахсларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун Асослари лойиҳаси интизом ва жамоатчилик йўли билан таъсир кўрсатиш чораларини қўллашни кўзда tutади.

СССР меҳнат қонунлари, деб таъкидлади, нотик, жаҳонда энг прогрессив қонунлардир, чунки бу қонунлар ривож топган социалистик жамиятдаги меҳнат муносабатларини тартибга солишга қўшма ҳисса қўлади.

(Давоми яқинкича бетда).

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

КПСС Марказий Комитети Пленумининг КПСС XXIV съездини чақириш ҳақидаги қарори муносабати билан редакциямизга кўплаб откликлар келиб турибди. Колхозчилар, совхоз ишчилари, ишчи ва хизматчилар ўзларининг хат ва хабарлари, телеграммаларида партиямизнинг XXIV съездини коммунистик қўрғанининг барча участкаларида янги ютуқларни қўлга киритиш билан қутиб олишга аҳд қилганликларини изҳор қилмоқдалар.

Биз, ишчилар беш йилликни муддатдан бир ой илгари яқунлаш унун бутун куч ва имкониятимизни ишга солаёлаик. КПССнинг навбатдаги XXIV съездини кутиб олиш меҳнат совғалари билан қутиб олиш комбинатимиздаги ҳар бир инженер-техник, ишчи-хизматчининг эзгу ниятидир.

Ж. АШУРОВА,
Чирчиқдаги иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмали металл корбинатининг ишчиси.

СЪЕЗД ШАРАФИГА

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини ўрганиб, ишга татбиқ этишган пахта корпарларининг пахтачиликни янада ривожлантириш, майдонлардан олинадиган ҳосилдорлигини ошириш тадбирларини кўрмоқдалар. Кейинги йилларда бригадамизда ҳосил бир неча маротаба ошди. Унинг асосий сабаби пахтачиликда механизациядан ва минерал ўғитлардан унумли фойдаланганлиги-мизда. Пахтакорларимиз бу йил 140 гектар майдондан олинадиган ҳосилни гектар бошига 10 центнерга ошириш учун астойдил курашмоқдалар.

Партиямизнинг навбатдаги XXIV съездини чақириш тўғрисидаги қарор пахтакорларимизни янада руҳлантириб юборди. Улар съезд шарафига мусобақани қизгин курашмоқдалар. Улар фидокорона меҳнат қилиб, гектар бошига камиди 40 центнердан ҳосил етиштиришга демокдалар. Сўз бердикми, албатта унинг устидан чиқамиз.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
Бўйа районидagi Тельман номи колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қҳрамони.

АМАЛИЙ ЖАВОБ БИЛАН

Колхозимиз пахтакорлари ва қорвадорлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумида қилган ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини ва Пленум қарорини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, қишлоқ маданиятини кўтариш тўғрисида қилётган янги гамхўрлиги ҳар биримизни меҳнатда жасорат кўрсатишга чорламоқда.

Бу йил деҳқонларимиз олдида улкан вазифалар турибди. Биз аҳолига ҳар йилдагидан кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, гўшт, сут етказиб беришимиз керак. Шу мақсадда далаalarda иш қизитиб юборилди. Биз бригада ва звенолар аро ўзаро социалистик мусобақани ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юбордик.

Хўжалигимиз аъзолари партиямизнинг бўлажак XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришда янги-янги ютуқларни қўлга киритиш учун кўрашмоқдалар. Ҳар бир деҳқон, қорвадор ўз зиммасига янги социалистик мажбурият олган ҳолда меҳнат қилаётди. Улар, албатта, ўз сўзларининг ўлдасидан чиқадилар ва партиямизнинг навбатдаги съездида муносаб сўзга таъбирландилар.

Оржоникенде районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхоз партия комитетининг секретари.

ЗАФАРЛАРДАН —ЗАФАРЛАРГА

Беш йилликнинг сўнгги йили яқунлашга ҳам санокли оилар қолди. Барча коллективлар қатори комбинатимиз меҳнатсаврлари ҳам юбилей йилни ҳар қачонгидан қувончлироқ ютуқлар билан яқунлашга интиломоқда. Ярим йиллик топириқни муддатидан илгари ошириб бажарган коллективимиз юбилей йилнинг иккинчи палласида ҳам муносаб зафар кучиш учун курашмоқда. КПССнинг навбатдаги XXIV съезди чақирилиш тўғрисидаги қарорини эшитиб, бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшилди. Чунки, бу съезд ўтган беш йилликка яқун ясаб билан бирга келгуси йилларга ҳам ёрқин программа тузиб беради. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги истиқболларини очди.

